

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc03/30.12.2019.Ped.28.01РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ
УНИВЕРСИТЕТИ**

ХАСАНОВ АЗИЗБЕК БАХТИЯРОВИЧ

**ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ
ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИНИ БЕЛГИЛОВЧИ РЕЙТИНГ
ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**13.00.04 – Жисмоний тарбия ва спорт машғулоти
назарияси ва методикаси**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Чирчиқ-2021

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии(PhD) по
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
pedagogical sciences**

Хасанов Азизбек Бахтиярович

Жисмоний тарбия ва спорт таълим муассасалари фаолияти самарадорлигини
белгиловчи рейтинг тизимини такомиллаштириш 3

Хасанов Азизбек Бахтиярович

Совершенствование рейтинговой системы, определяющей эффективность
деятельности физкультурно-воспитательных и спортивных образовательных
учреждений.....29

Khasanov Azizbek Bakhtiyarovich

Improvement of the rating system that determines the effectiveness of the activities
of physical culture and sports educational institutions.....55

Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....59

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc03/30.12.2019.Ped.28.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ
УНИВЕРСИТЕТИ**

ХАСАНОВ АЗИЗБЕК БАХТИЯРОВИЧ

**ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ
ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИНИ БЕЛГИЛОВЧИ РЕЙТИНГ
ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**13.00.04 – Жисмоний тарбия ва спорт машғулоти
назарияси ва методикаси**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Чирчиқ-2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.1.PhD/Ped1487 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетидида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасининг www.uzdjtsu.uz ва "ZiyoNet" Ахборот таълим порталида (www.zionet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Маткаримов Рашид Машарипович
педагогика фанлари номзоди, профессор

Расмий оппонентлар:

Тажибаев Сойиб Самижонович
педагогика фанлари доктори, профессор

Бердикулов Баҳодир Дустмуродович
педагогика фанлари номзоди

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон Миллий университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети ҳузуридаги DSc03/30.12.2019.Ped.28.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил "11" август соат 08.00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111709, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Спортчилар кўчаси, 19- уй. Тел.: (0-370)717-17-79,717-27-27, факс:(0-370) 717-17-76, Веб-сайт: www.uzdjtsu.uz, e-mail: uzdjtsu@uzdjtsu.uz. Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети "Б" биноси, 2-кават, кичик мажлислар зали).

Диссертация билан Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (211428 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 111709, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Спортчилар кўчаси, 19- уй.Тел: (0-370)717-17-79,717-27-27, факс:.(0-370) 717-17-76.

Диссертация автореферати 2021 йил "18" июль куни тарқатилди.
(2021 йил "28" июль даш 21 рақамли реестр баённомаси)



М.Р.Болтабаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

М.Х.Миржамолов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори(PhD), доцент

Ф.А.Керимов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси п.ф.д., профессор

Кириш (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда жисмоний тарбия ва спорт соҳасини ривожлантиришда спорт таълим муассасаларининг фаолиятини такомиллаштириш, улар орасида соғлом рақобат муҳитини шакллантириш ҳамда таълим муассасалари фаолиятида замонавий фан ютуқларидан самарали фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Зеро, жисмоний тарбия ва спорт таълим муассасаларини ривожлантиришда рейтинг тизимини жорий қилиш асосий масалалардан бири ҳисобланади. Хусусан, мазкур жараёнда спорт тадбирларини тўғри ташкил қилиш ҳамда спорт таълим муассасаларини оқилона бошқариш, даромад келтириш йўллари ривожлантириш, тренерларнинг илм-фан ютуқларидан фойдаланиш бўйича малакасини ошириш ишларига асосий омиллар сифатида ёндошилмоқда.

Жаҳон миқёсида юқори малакали тренерлар ҳамда малакали мутахассисларни тайёрловчи таълим муассасаларини ривожлантириш, илмий марказларни ташкил қилиш, спортчилар тайёргарлигига хизмат қилувчи замонавий жиҳозларни ишлаб чиқишга қаратилган тадқиқотлар олиб борилмоқда. Мазкур тадқиқотларда спортчилар тайёргарлиги ҳолатини аниқловчи мосламаларни ишлаб чиқишга асосий эътибор қаратилган. Бироқ, спортчилар, тренер ва мутахассислар фаолият олиб борувчи таълим муассасалари фаолиятини ўрганиш, баҳолаш, ютуқларини оммалаштириш, мавжуд камчиликларини аниқлашга қаратилган ишларни ўрганишга, жисмоний тарбия ва спорт таълим муассасаларини ривожлантириш ва фаолиятини баҳолашга қаратилган муаммолар етарлича ўрганилмаган.

Республикада жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири олимпия захиралари коллежлари фаолиятини баҳоловчи мавжуд рейтинг тизимидаги меъзонлар билан белгиланади. “Спорт таълими муассасаларида тренер ва мутахассисларнинг сифат таркибини, хусусан олий маълумотли ходимлар сонини босқичма-босқич ошириш”¹ масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилиб келинаётган бўлсада, жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги таълим муассасаларининг хорижий таълим муассасалари билан ўзаро рақобатбардошлигини таъминлашда илм-фан ютуқларидан фойдаланиш бўйича тажриба ва малакаларнинг такомиллашмаганлиги улар фаолиятини янада ислоҳ қилиш механизмларини жорий қилиш зарурлигини кўрсатади. Жисмоний тарбия ва спорт таълим муассасалари фаолиятини ривожлантириш, улар фаолиятини баҳолаб бориш тизимини такомиллаштириш кенг қамровли тадқиқот предмети сифатида деярли ўрганилмаганлиги илмий-амалий жиҳатдан долзарб аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январдаги ПФ–5924-сон “Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва спортни

¹Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 24 январдаги “Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва спортни янада такомиллаштириш ва оммалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5924-сонли Фармони. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 25.01.2020 й. <https://lex.uz/docs/4711327>

янада такомиллаштириш ва оммалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, 2020 йил 3 ноябрдаги ПҚ–4877-сон “Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ҳамда мазкур соҳага тааллуқли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур тадқиқот асосий манбаа сифатида хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг I.“Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” билан боғлиқ устувор йўналишлар доирасига мос равишда амалга оширилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Республикамиз ҳамда хорижда жисмоний тарбия ва спорт таълим муассасалари фаолиятини ривожлантириш бўйича бир қатор илмий ишлар амалга оширилган. Жумладан, олимларимиздан Т.Усманходжаев, Р.Халмухамедов, Р.Саламов, Ш.Ханкельдиев, Ф.Керимов, А.Абдиев, М.С.Ахматовлар² соғлом турмуш тарзини шакллантиришда жисмоний тарбия ва спорт муассасаларини ривожлантириб бориш муҳим деб ҳисоблашган.

Хорижлик Л.П.Матвеев, Ю.В.Верхошанский, М.А.Годик, В.Н.Платоновлар³ жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш масалалари доирасида спорт захираларини шакллантириб бориш зурурлигини таъкидлашган бўлса, Г.Мейзинская, В.И.Новицкая, О.А.Барабаш, А.М.Лебединскийлар⁴ жисмоний тарбия ва спорт соҳасида таълим самарадорлигини ошириш масалалари бўйича илмий-тадқиқот ишларини олиб боришган.

²Халмухамедов Р.Д. Технология подготовки единаборцев на этапах годичного цикла. автореф.док. пед. наук.-Ташкент: 2009. – 78 с.; Саломов Р.С. Спорт машғулотининг назарий асослари. Ўқув қўлланма. Т.:ЎзДЖТИ нашриёти, 2005. – 261 бет.; Ханкельдиев Ш.Х. Педагогические особенности физического воспитания учащейся молодежи в регионах с жарким климатом: дис. ... док. пед. наук. – М, 1990. – 365 с.; Керимов Ф.А. Спорт соҳасида илмий тадқиқотлар. - Тошкент. Зар қалам, 2004. - 334 б.; Абдиев А.Н. Яққаураш спорт турларида ихтисослашувчи талабаларда мураббийнинг касбий кўникмаларини шакллантиришнинг илмий-педагогик асослари. Пед. фан. док. ... дис. –Т.:ЎзДЖТИ нашриёти, 2004. - 210 б.; Ахматов М.С. Массовый спорт – основа государственного управления производства и накопления ресурса здоровья населения//Фан-спорта, 2017.-№4.

³Матвеев Л.П. Теория и методика физической культуры. – М.: Физкультура и спорт, 2000. – 331 с.; Верхошанский Ю.В. Основы специальной силовой подготовки спортсменов. – М.: Физкультура и спорт, 1988. – 331 с.; Годик М.А. Контроль тренировочных и соревновательных нагрузок. – М.: Физкультура и спорт, 1980. – 136 с.; Платонов В.Н. Адаптация в спорте. Киев, 1988. – 216 с.

⁴Мейзинская Г. Социологические и педагогические факторы, определяющие эффективность обучения в физкультурных учебных заведениях. дис..док. пед. наук.-Познан: 1993. – 187 с.; Новицкая В.И. Управление качеством образования студентов по учебной дисциплине «Физическая культура». автореф. дис..канд. пед. наук.-Минск: 1993. – 23 с.; Барабаш О.А. Управление качеством образования по физической культуре на основе актуализации функции контроля (на примере специальных (коррекционных) образовательных учреждений VIII вида). дис..док. пед. наук.- Санкт-Петербург: 2008. – 403 с.; Лебединский А.М. Подготовка высококвалифицированных спортсменов в училищах олимпийского резерва. Автореф.дис..канд. пед. наук.- Санкт-Петербург: 2003. – 27 с.

Г.З.Карнаухов, А.Н.Поддьяков, А.В.Кувшинов, Е.М.Ларина, И.К.Латыпов, Л.Н.Минина, А.Г. Морозов, А.А.Мушаков, И.В.Переверзева, К.Н.Пружинин, И.Р.Тарасенко⁵ жисмоний тарбия ва спорт соҳасида малакали педагог кадрлар тайёрлаш муаммоларини, Т.Н.Карамышева, М.М.Кузнецова, Е.Н.Латушкина, Л.В.Новоточина, С.А.Прохоров, А.Г.Трушкинлар⁶ спорт таълим ташкилотларида ташкилий-педагогик шароитларни ташкил қилиш йўллари, Х.Ч.Мин, Нгу Зуй Аньлар⁷ жисмоний тарбия ва спорт соҳасида бошқарув масалаларини тадқиқ этишган бўлса, В.Г.Мухин, В.Б.Мяконьковлар⁸ жисмоний тарбия ва спортда даромад олиш йўллари кўрсатиб беришга ҳаракат қилишган.

И.И.Столов, Ю.Д.Железняк, М.П.Безруковлар⁹ эса спорт захираларини шакллантиришни ривожлантириш масалаларига тадқиқот ишларида алоҳида эътибор қаратишган.

⁵Карнаухов Г.З. Социально-педагогическая регуляция подготовки профессиональных кадров и квалифицированных спортсменов в полиструктурной функциональной педагогической системе. Автореф. дис. док. пед. наук.- Москва: 2003. – 63 с.; Поддьяков А.Н. Развитие исследовательской инициативности в детском возрасте. дис. док. псих. наук.- Москва: 2001. – 349 с.; Кувшинов А.В. Формирование профессиональной самооценки у будущих учителей физической культуры. Автореф. дис. канд. пед. наук.- Тула: 2000. – 19 с.; Ларина Е.М. Формирование физической культуры личности студентов в условиях модернизации образования. Автореф. дис. канд. пед. наук.- Смоленск: 2006. – 25 с.; Латыпов И.К. Педагогическая система профильной подготовки школьников в области физической культуры. Автореф. дис. док. пед. наук.- Москва: 2011. – 48 с.; Минина Л.Н. Специфика обучения приемам критического анализа профессиональной деятельности при подготовке педагогов по физическому воспитанию. Автореф. дис. канд. пед. наук.- Санкт-Петербург: 2007. – 25 с.; Морозов А.Г. Социально-педагогические факторы, определяющие успешность педагогической деятельности тренера (на примере гребного спорта). Автореф. дис. канд. пед. наук.- Москва: 2002. – 20 с.; Мушаков А.А. Формирование рефлексивной культуры спортивного педагога. Автореф. дис. канд. пед. наук.- Москва: 2008. – 22 с.; Переверзева И.В. Психолого-педагогическое сопровождение профессионального развития преподавателей по физическому воспитанию в вузе. Автореф. дис. канд. пед. наук.- Санкт-Петербург: 2007. – 20 с.; Пружинин К.Н. Педагогические условия социализации специалистов в области физической культуры и спорта. Автореф. дис. канд. пед. наук.- Улан-Удэ: 2003. – 22 с.; Тарасенко И.Р. Формирование социально-духовных ценностей средствами физической культуры в процессе профессиональной подготовки студенческой молодежи: Дис. ... канд. пед. наук. – Ставрополь, 2005. – 187 с.

⁶Карамышева Т.Н. Организационно-педагогические условия становления спортивного клуба школы. Автореф. дис. канд. пед. наук.- Санкт-Петербург: 2009. – 22 с.; Кузнецова М.М. Формирование готовности субъектов института спорта к современным формам регулирования профессионально - трудовых отношений. Автореф. дис. канд. пед. наук.- Москва: 2003. – 24 с.; Латушкина Е.Н. Организационно-педагогические аспекты коммуникативной деятельности физкультурно-спортивных организаций. Автореф. дис. канд. пед. наук.- Москва: 2004. – 24 с.; Новоточина Л.В. Управление физкультурно-оздоровительной деятельностью в образовательном учреждении инновационного типа. Автореф. дис. канд. пед. наук.- Москва: 2009. – 21 с.; Прохоров С.А. Организационно-методические условия спортивного совершенствования в детско-юношеских клубах физической подготовки. Автореф. дис. канд. пед. наук.- Тула: 2003. – 22 с.; Трушкин А.Г. Педагогические основы инновационных технологий физического воспитания оздоровительной направленности. дисс. ... док. пед. наук. – Ростов-на-Дону, 2000. – 386 с.

⁷ Мин Х.Ч. Целостно деятельностный подход к систематизации методов физического воспитания. дис. канд. пед. наук.- Санкт-Петербург: 2010.-273 с.; Нгу Зуй Ань. Государственные и общественные формы в управлении физическим воспитанием и развитием спорт а в вузах Вьетнама. Автореф. дис. канд. пед. наук.- Москва: 2000. – 24 с.

⁸Мухин В.Г. Социально-экономическая и педагогическая направленность рекламной деятельности в сфере физической культуры и спорта. Автореф. дис. канд. пед. наук.- Москва: 2002. – 24 с.; Мяконьков В.Б. Социально-психологические обеспечение маркетинговой деятельности в спорте. Автореф. дис. док. пед. наук.- Санкт-Петербург: 2004. – 60 с.

⁹Столов И.И. Спортивный резерв: состояние, проблемы, пути решения. - М.: Советский спорт, 2008.-132 с.; Железняк Ю.Д. Совершенствование системы подготовки спортивного резерва в игровых видах спорта:

Мазкур тадқиқотларда жисмоний тарбия ва спорт таълим муассасаларини ривожлантириш, малакали мутахассисларни тайёрлаш ҳамда жисмоний тарбия ва спорт таълим муассасалари фаолиятини такомиллаштириш масалаларига умумий ёндашилган. Аммо, жисмоний тарбия ва спорт таълим муассасалари рейтинг тизимини такомиллаштириш орқали жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, спорт таълим муассасалари фаолияти самарадорлигини янада ошириш масалалари деярли тадқиқ этилмаган.

Диссертация тадқиқотининг бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги. Мазкур диссертация Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг № V/I 3 “Жисмоний тарбия ва спорт фаолиятининг назарий-услубий асослари такомиллаштириш асосида терма жамоаларда юқори малакали спортчиларни тайёрлаш тизимини, жисмоний тарбия ва спорт мутахассисларида касбий-педагогик кўникма ҳамда малакаларни ривожлантириш” мавзусидаги фундаментал лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади жисмоний тарбия ва спорт таълим муассасалари фаолияти самарадорлигини белгиловчи рейтинг тизимини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

жисмоний тарбия ва спорт таълим муассасалари (олимпия захиралари коллежи) фаолиятини баҳоловчи мавжуд рейтинг тизимидаги мезонларнинг натижавийлигини ўрганиш;

олимпия захиралари коллежлари фаолиятини баҳолаш рейтинг тизими мезонларини такомиллаштириш;

олимпия захиралари коллежларининг фаолиятини баҳоловчи рейтинг тизимини такомиллаштириш мақсадида йўриқномалар ишлаб чиқиш орқали тренер ва методистларнинг билим, кўникма ҳамда малакасини ошириш;

жисмоний тарбия ва спорт таълим муассасалари рейтинг кўрсаткичларини ошириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида жисмоний тарбия ва спорт таълим муассасалари фаолиятини ривожлантириш жараёни танланган.

Тадқиқотнинг предмети жисмоний тарбия ва спорт таълим муассасаларида замонавий илм-фан ютуқларига асосланган рейтинг тизими ҳолатини ўрганишга қаратилди.

Тадқиқотнинг усуллари. Илмий-услубий таҳлил, педагогик кузатув, сўровнома, педагогик тажриба, математик-статистик методлардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгиллиги қуйидагилардан иборат:

олимпия захиралари коллежлари рейтингини баҳолаш учун “Спорт натижаларига эришиш”, “Тренер ва методистлар салоҳияти”ни ошириш

мезонларини киритиш ҳисобига жисмоний тарбия ва спорт таълим муассасалари фаолиятини баҳоловчи рейтинг тизими такомиллаштирилган;

олимпия захиралари коллежлари рейтинг тизими учун замонавий илм-фан ютуқларидан фойдаланган ҳолда “мусобақаларни таҳлил қилиш”, “илмий-тадқиқот жараёнларида иштирок этишини ўрганиш” йўриқномаларини ишлаб чиқиш ҳисобига тренер ва методистларнинг билим, кўникма ҳамда малакасини ошириш имконияти яратилган;

олимпия захиралари коллежлари фаолиятини баҳолаш рейтинг тизими “йил давомида эришилган спорт натижалари” ҳамда “ўқув-услугий таъминот ва нашр ишлари” мезонлари учун янги балли баҳо меъёрлари ишлаб чиқилганлиги ҳисобига такомиллаштирилган;

жисмоний тарбия ва спорт таълим муассасалари рейтинг кўрсаткичларини SWOT педагогик методи орқали ривожлантириш асосида спортчиларнинг камчилиги ва ютуғини аниқлаш ҳамда тренер ва методистларнинг мусобақаларни таҳлил қилиш тизими яратилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

жисмоний тарбия ва спорт таълим муассасалари фаолиятини ривожлантиришга, тренерларнинг замонавий илм-фан ютуқларига асосланган билим ва кўникмаларини яхшилашга, жисмоний тарбия ва спорт таълим муассасалари ривожига тўсиқ бўлувчи омилларни аниқлашга ҳамда такомиллаштиришга хизмат қилувчи мезонлар ишлаб чиқилган;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш, тренерларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш курслари, мавзуга доир илмий методик адабиётларни яратишда фойдаланилган;

спортчиларнинг камчилиги ва ютуғини аниқлаш ҳамда тренер ва методистларнинг мусобақаларни таҳлил қилиш тизими яратилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижалари ишончли олинган натижалар назарий-услугий жиҳатдан асосланган, илмий тадқиқот изчил бажарилган, мантиқий ёндашувга эга, услублар тадқиқот мақсади ва вазифаларига тўлиқ мос келган, илмий-услугий адабиётлардаги маълумотларга ва уларнинг муаллифлари бўлган республикамизнинг ҳамда хорижий олимларнинг илмий хулосалари ва тавсияларига суянилган, диссертациядаги амалий тавсиялар жисмоний тарбия ва спорт таълим муассасалари муаммоларининг ечимига йўналтирилган, натижалар тегишли ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти жисмоний тарбия ва спорт таълим муассасалари тренерларининг замонавий илм-фан ютуқларига асосланган малакаларини шакллантириш ва мустаҳкамлашга йўналтирилган ҳамда мазкур мезон доирасида жисмоний тарбия ва спорт таълим муассасаларини ривожлантиришнинг илмий-назарий асослари, такомиллаштиришнинг ижтимоий-ҳуқуқий мезонлари ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, ундан жисмоний тарбия ва спорт соҳасида мутахассисларни тайёрловчи олий

таълим муассасаларига, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш муассасалари тингловчиларига, жисмоний тарбия ва спорт таълим муассасалари тренерларига ўқув-услугий мажмуалар, маъруза матнлари, ўқув-услугий адабиётлар, методик тавсиялар ва рисоалар тайёрлашда самарали фойдаланилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Жисмоний тарбия ва спорт таълим муассасалари фаолияти самарадорлигини белгиловчи рейтинг тизимини такомиллаштириш бўйича олиб борилган жорий тадқиқотлар ва педагогик тажриба натижалари ҳамда уларнинг қиёсий таҳлили асосида:

Жисмоний тарбия ва спорт таълим муассасалари фаолияти самарадорлигини белгиловчи рейтинг тизимини такомиллаштириш бўйича олиб борилган тадқиқот натижаларидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 12 августдаги “Олимпия захиралари коллежлари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 480-сонли қарорини ишлаб чиқишда фойдаланилган. Натижада, спорт разрядларининг бажарилиши 13,3% га, тренерлар салоҳияти 12,2%га, методистлар салоҳияти 12,5% га, йил мобайнида эришилган спорт натижалар 6,8 %, республика терма жамоаси таркибига қабул қилинган спортчилар 2,4% га, қайта тайёрлаш ва малака ошириш 5,5 %га, ўқув-методик таъминот ва нашр ишлари 24 % га ошди;

“Тренер ва методистлар томонидан спорт мусобақаларни таҳлил қилиш ва спортчилар тайёргарлигини такомиллаштириш бўйича йўриқнома” ҳамда “Тренер ва методистларнинг илмий-тадқиқот жараёнларида иштирок этишини ўрганиш бўйича йўриқнома” ишлаб чиқилган (Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг 2021 йил 9 апрелдаги 02-07-08-1274-сон маълумотномаси). Натижада, тренерлар салоҳияти 10,7% га, методистлар салоҳияти 12% га, йил мобайнида эришилган спорт натижалар 9 %, ўқув-методик таъминот ва нашр ишлари 16 % га ўсди;

олимпия захиралари коллежлари фаолиятини баҳолаш рейтинг тизими “йил давомида эришилган спорт натижалари” ҳамда “ўқув-услугий таъминот ва нашр ишлари” мезонлари олимпия захиралари коллежлари фаолиятида қўлланилиши натижада спорт разрядларининг бажарилиши 16,6%га, тренерлар салоҳияти 10,7% га, методистлар салоҳияти 12,5 % га, йил мобайнида эришилган спорт натижалар 9,7%га, республика терма жамоаси таркибига қабул қилинган спортчилар 2%га, қайта тайёрлаш ва малака ошириш 4,1 % га, ўқув-методик таъминот ва нашр ишлари 20% га ошди;

жисмоний тарбия ва спорт таълим муассасалари рейтинг кўрсаткичларини SWOT педагогик методи орқали ривожлантириш асосида спортчиларнинг камчилиги ва ютуғини аниқлаш ҳамда тренер ва методистларнинг мусобақаларни таҳлил қилиш бўйича таклиф ва тавсиялар 15 та Олимпия захиралари коллежларига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг 2021 йил

9 апрелдаги 02-07-08-1274-сон маълумотномаси). Натижада, бу олимпия захиралари коллежалари фаолиятини тизимли ташкил қилишга ҳамда замонавий илм-фан ютуқларидан фойдаланиш асосида ривожлантиришга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 3 та халқаро, 4 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда, “Жисмоний тарбия, спорт назарияси ва услубияти” ҳамда “Спорт тадбирларини ташкил этиш” кафедраларининг кенгайтирилган мажлисида муҳокамадан ўтказилди.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 10 та илмий-услубий ишлар, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия қилинган илмий нашрларида 3 та (2 та республика ва 1 та хорижий илмий журналларда) мақолалар чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация «Кириш», 4 та боб, хулосалар ва амалий тавсиялар, иловалар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, матни 109 бетни ташкил этади. Диссертацияда 16 та жадвал ва 16 та расмларда қайд этилган диаграммалардан фойдаланилган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертациянинг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация бажарилган олий таълим муассасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети, усуллари, илмий янгилиги, амалий натижалари, тадқиқотдан олинган натижаларнинг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, жорий этилиши, апробацияси, эълон қилинганлиги диссертациянинг тузилиши ва ҳажми ҳақида маълумотлар берилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Жисмоний тарбия ва спорт таълим муассасалари фаолиятини такомиллаштиришнинг илмий-назарий асослари”** деб номланади. Мазкур бобда жисмоний тарбия ва спорт ривожда спорт-таълим муассасаларининг ўрни, спорт таълим муассасалари ўқув-илмий фаолиятини ривожлантириш муаммолари, таълим муассасалари рейтингда жисмоний тарбия ва спорт машғулотларининг таҳлилий кўрсаткичлари ўрганилган.

Бугунги кунда жисмоний тарбия ва спорт соҳаси ривожда спорт таълим муассасалари асосий локоматив вазифасини бажармоқда. Спорт таълим муассасалари орасида интеграцион жараёнларни кучайтириш, спорт таълим муассасалари ўқув-методик базасини мустаҳкамлаш, спорт таълим муассасалари ўқитувчи-тренерларининг педагогик компетентлик

хусусиятларини янада ошириш, спорт таълим муассасалари тарбияланувчилари орасида селекция ишларини амалга ошириб бориш муҳим аҳамият касб этади. Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида халқаро стандартлар асосида тарбияланадиган мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини йўлга қўйиш, илмий-педагогик салоҳиятни ошириш, ўқув жараёнининг илмий-тадқиқот фаолияти билан узвий боғлиқлигини кучайтириш, ўқув-услубий ва ахборот таъминотини яхшилашда хорижнинг илғор спорт таълим муассасалари тажрибасини инобатга олган ҳолда ўқув режаларига замонавий фанларни киритиб бориш, инновацион ҳамда илм-фанга асосланган технологияларни тадбиқ қилиш, жисмоний тарбия ва спорт соҳасида фан, таълим ва ишлаб чиқаришни интеграция қилиш, кадрлар буюртмачиси бўлган тегишли муассаса ва ташкилотлар билан ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириб бориш зарур ҳисобланади.

Диссертациянинг “Тадқиқотнинг услублари ва уни ташкил қилиш” деб номланган иккинчи бобида қуйидаги тадқиқот услубларидан фойдаланилган: адабиёт таҳлили, педагогик кузатув, сўровнома, педагогик тажриба, математик-статистик методлар. Муаммоларни ўрганиш, тадқиқотларни такрорланишини олдини олиш мақсадида мавзуга доир 100 га яқин маҳаллий ва хорижий илмий мақолалар, диссертация ва диссертация авторефератлари, монография, журналлар ва ўқув-услубий адабиётлар кўриб чиқилган. Уларда келтирилган маълумотлар, тадқиқот натижалари, хулосаларни таҳлил қилиш орқали диссертацияда режалаштирилган тадқиқотнинг долзарблиги ва амалий аҳамияти асосланган ҳамда диссертацион тадқиқотни ташкил қилиш босқичлари очиб берилган.

Жумладан, I босқичда Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетига тайёрланадиган Спорт фаолияти, Менежмент (жисмоний тарбия ва спорт менежменти), Менежмент (спорт тадбирларини ташкил этиш ва бошқариш), Маркетинг (спорт) бакалавриат таълим йўналиши талабалари илмий-тадқиқот ишлари бўйича олиб бораётган ишлари ҳолати, тренерларнинг илмий салоҳиятига эътибор қаратиши, ўз спортида охириги илмий янгиликлардан, етук олимларнинг илмий изланишларидан хабардорлиги ўрганилди.

II босқичда Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳузуридаги Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни илмий-методик таъминлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказида малака ошираётган тингловчиларнинг спортчилар машғулотлари тайёргарлик жараёнига бўлган муносабати, спортчилар ижтимоий муҳити, спортчилар оилавий ҳолатининг ўзаро боғлиқлиги, бу эса мусобақа жараёнларига таъсир қилиши ҳамда мазкур омилларга таяниб спортчиларни тайёрлаш ишларини ташкил қилиш бўйича билим ва тажрибалари таҳлил қилинди.

III босқичда Республика Олимпия захиралари коллежи тренерларининг илм-фан ютуқларидан амалиётда фойдаланиш бўйича тажрибалари, спорт

таълим муассасини рейтингини ошириш бўйича билимлари ҳамда ўқувчиларнинг замонавий мезонлар бўйича тайёргарлиги аниқлаш бўйича тадқиқот ишлари ташкил қилинди.

Учинчи **“Жисмоний тарбия ва спорт таълим муассасалари фаолияти самарадорлигини белгиловчи мезонларни такомиллаштириш”** бобида жисмоний тарбия ва спорт соҳаси таълим муассасалари ривожда рейтинг тизимининг аҳамияти, жисмоний тарбия ва спорт таълим муассасалари фаолиятини ривожлантирувчи мезонлар ҳамда жисмоний тарбия ва спорт соҳаси ривожда олимпия захиралари коллежларининг рейтинг мезонларини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спорт таълим муассасаларини фаолиятини баҳолаш ишлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 17 февралдаги “Спорт-таълим муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 90-сон қарорига мувофиқ, 2020 йилдан бошлаб Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги тизимидаги спорт мактаблари ва таълим муассасалари (олий таълим муассасалари бундан мустасно) фаолияти самарадорлигини рейтинг асосида баҳолаш тизими йўлга қўйилди.

Ҳар йили спорт мактабларининг моддий-техник базаси ва унинг ҳолати, худуддаги ёшларни спортга қамраш олиш даражаси, спорт разрядлари ва унвонларини бажарилиши, тренерлар, йўриқчи-методистлар ва шифокорлар салоҳияти, йил давомида эришилган спорт натижалари, қайта тайёрлаш ва малака ошириш режасини бажарганлик, ўқув-методик таъминот ва нашр ишлари, бошқа таълим муассасалари билан ўзаро ҳамкорлик, маданий-маърифий ва оммавий спорт тадбирларини ўтказиш каби йўналишлар бўйича спорт мактабларининг фаолияти баҳоланиб борилади.

Йил сўнгида рейтинг баҳолаш натижаларига кўра 1–3-ўринларни қўлга киритган спорт-таълим муассасалари раҳбарларини спорт-таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан бир марталик пул мукофоти ва “Жисмоний тарбия ва спорт аълочиси” кўкрак нишони билан тақдирлаш ҳамда охириги ўринларни қўлга киритган спорт мактаблари фаолиятини яхшилашга қаратилган “Йўл харитаси” ишлаб чиқилиб амалиётга жорий этиш чоралари кўрилиб, ушбу спорт мактаблари алоҳида назоратга олинди.

Биз жисмоний тарбия ва спорт таълим муассасалари рейтинг тизими самарадорлигини ошириш мақсадида спорт разрядлари ва унвонларини бажарилиши, тренерлар ҳамда методистлар салоҳияти, йил давомида эришилган спорт натижалари, қайта тайёрлаш ва малака ошириш режасини бажарганлик, ўқув-методик таъминот ва нашр ишлари каби мезонлар бўйича спорт мактабларининг фаолияти баҳолаш ишларини ўрганиш бўйича тадқиқот ишларини ташкил қилдик (1-жадвалга қаранг).

1-жадвал

Спорт мактаблари фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонлари

т/р	Мезон номи	Баллар тақсимоти	Тўпланган балл	
I. Спорт разрядларини бажарилиши (Умумий спортчилар сонига нисбатан %)				
1.	I разряд (катталар)	10 %	0,5	
		20%	1,0	
		30 %	2,0	
		40 %	3,0	
		50 %	4,0	
	СУН (спорт усталигига номзод)	10 %	1,0	
		20%	2,0	
		30 %	3,0	
		40 %	4,0	
		50 %	5,0	
	СУ (спорт устаси)	10 %	2,0	
		20%	3,0	
		30 %	4,0	
		40 %	5,0	
		50 %	6,0	
	Республика терма жамоаси таркиби (асосий ва захира)га қабул қилинган спортчилар	10 %	1,0	
		20%	2,0	
30 %		3,0		
40 %		4,0		
50 %		5,0		
II. Тренерлар салоҳияти (Тренерларнинг умумий сонига нисбатан %)				
2.	Олий маълумотли (соҳа бўйича)	0-20 %	0,5	
		21-40 %	1,0	
		41-60 %	1,5	
		61-80 %	2,0	
		81-100 %	3	
	Олий тоифали	0-20 %	1,0	
		21-40 %	2,0	
		41-60 %	3,0	
		61-80 %	4,0	
		81-100 %	5,0	
	Давлат мукофоти билан тақдирланганлар (хизмат кўрсатган тренер ва ҳ.з.)	0-20 %	2,0	
		21-40 %	3,0	
		41-60 %	4,0	
		61-80 %	5,0	
		81-100 %	6,0	
	III. Методислар салоҳияти (Услугачиларнинг умумий сонига нисбатан %)			
	3.	Олий маълумотли	0-20 %	1,0
21-40 %			1,5	
41-60 %			2,0	
61-80 %			2,5	
81-100 %			3,0	

1-жадвалнинг давоми.

	Олий тоифали		0-20 %	1,0	
			21-40 %	2,0	
			41-60 %	3,0	
			61-80 %	4,0	
			81-100 %	5,0	
IV. Йил давомида эришилган спорт натижалари (медаллар ҳисобида)					
4.	Республика чемпионати	бронза	0-20 %	0,6	
			21-40 %	1,2	
			41-60 %	1,8	
			61-80 %	2,4	
			81-100 %	3	
		кумуш	0-20 %	0,7	
			21-40 %	1,4	
			41-60 %	2,1	
			61-80 %	2,8	
			81-100 %	3,5	
		олтин	0-20 %	0,8	
			21-40 %	1,6	
			41-60 %	2,4	
			61-80 %	3,2	
			81-100 %	4,0	
	Халқаро турнирлар	бронза	1		
		кумуш	1,5		
		олтин	2,5		
	Осиё чемпионатлари	бронза	2		
		кумуш	2,5		
олтин		3,5			
Жаҳон чемпионатлари	бронза	4,0			
	кумуш	5,0			
	олтин	7,0			
V. Қайта тайёрлаш ва малака оширишдан ўтганлиги (умумий сонга нисбатан %)					
5.	Тренерлар		0-20 %	1,0	
			21-40 %	1,5	
			41-60 %	2,0	
			61-80 %	2,5	
			81-100 %	3,0	
	Услубчилар		0-20 %	1,0	
			21-40 %	1,5	
			41-60 %	2,0	
			61-80 %	2,5	
			81-100 %	3,0	
VI. Ўқув-услубий таъминот ва нашр ишлари (ўқув-услубий қўлланма, тавсиянома ва бошқа нашр ишлари)					
6.	Илмий мақола учун	Ҳаммуаллиф	0,5		
		Якка муаллиф			
	Услубий-тавсиянома учун	Ҳаммуаллиф	0,5		
		Якка муаллиф	1,5		

1-жадвалнинг давоми.

Услубий-қўлланма учун	Ҳаммуаллиф	1,0	
	Якка муаллиф	3,0	
Ўқув-қўлланма учун	Ҳаммуаллиф	2,0	
	Якка муаллиф	4,0	

Изоҳ: Спорт мактабларнинг фаолияти ўқув йили бўйича рейтинги умумий 100 бал асосида аниқланади (“55 – 70” балл қониқарли, “71-85” балл яхши, “86-100” балл аъло).

Мазкур мезонларни баҳолаш тартибини амалга оширишда қуйидаги омилларга эътибор қаратдик:

Спорт разрядларини бажарилиши. Спорт мактабларида қабул қилинган ўқувчи-спортчилар танланган спорт тури бўйича жисмоний, техник, тактик, функционал, психологик тайёргарлигини намоён қилиш ва спорт педагогик маҳоратини ошириш учун уларни назоратдан (мусобақалар) ўтказиш асосий мақсадларидан бири ҳисобланади. Тренер томонидан олиб борилаётган машғулот дастурлари, босқич йилларига мос равишда тузилгани назорат қилинади ва ўқувчи-спортчилар орасидан иқтидорлиларини аниқлашда ҳамда уларнинг спорт педагогик маҳоратини оширишда мақсадли иш олиб борилади.

Мактабда мавжуд бўлган спорт турлари бўйича ўқувчи-спортчилар спорт разрядини (тасдиқланган буйруқ асосида) инобатга олинган ҳолда гуруҳдаги умумий спортчилар сонига нисбатан (сон, фоиз) ҳисобланади. Максимал 20 балл, терма жамоа таркибига қабул қилинган спортчилар учун максимал 5 балл ажратилган.

Тренерлар салоҳияти. Спорт мактабларида ўз фаолиятини олиб бораётган мураббийлар келажак авлоднинг жисмоний тарбия ва спортга бўлган қизиқишини аниқлаш, улар орасидан истеъдодли спортчиларни танлаб олиш, уларга замонавий усуллар асосида машғулотлар ўтказиш ишларини олиб бормоқда. Шунингдек, тренер олий маълумотга эгаллиги, яъни ўз соҳасини мутахассисси эканлиги ҳам муҳим аҳамиятга касб этади.

Мактабда ўз фаолиятини олиб бораётган олий маълумга эга бўлган тренерлар (асосий ва ўриндош) умумий тренерлар сонига нисбатан ҳисобланади. Максимал 14 балл. Олий тоифали тренерларнинг мавдужлиги учун максимал 5,0 балл. Давлат мукофоти билан тақдирланганлар учун максимал 6,0 балл асосида ҳисобга олинади.

Методислар салоҳияти. Спорт мактабларида спорт турлари бўйича ўз фаолиятини олиб бораётган услубчилар келажак авлодни жисмоний тарбия ва спортга бўлган қизиқишларини улар орасидан иқтидорли спортчиларни танлаб олиш, уларга замонавий усулларда машғулотлар ўтишга услубий кўрсатмалар беришда. Шунингдек, олий маълумотга яъни ўз соҳасини мутахассисси эканлиги муҳим аҳамиятга касб этади.

Мактабда ўз фаолиятини олиб бораётган олий маълумга эга бўлган услубчилар (асосий ва ўриндош) умумий услубчилар сонидан келиб чиқиб ҳисобга олинади. Максимал 8 балл. Олий тоифали методистларнинг мавдужлиги учун максимал 5,0 балл.

Йил давомида эришилган спорт натижалари. Ушбу мезон мактабдаги ўқувчи-спортчилар спорт турлари бўйича худудий, республика ва халқаро мусобақаларда эришган натижалари, тренер ва услубчилар ўз вазифасига қай даражада ёндошаётганлиги ва спорт турларини ривожланаётганлигини мониторинг қилишга хизмат қилади.

Мактаб спортчилари томонидан республика мусобақаларида эришган ютуқлари учун максимал 10,5 балл, халқаро мусобақаларда эришган ютуқларини мавжудлиги учун максимал 5,0 балл, Осиё чемпионатида эришган ютуқларини мавжудлиги учун максимал 8,0 балл, жаҳон чемпионатида эришган ютуқларини мавжудлиги учун максимал 16 балл ажратилган. Туман, худудий, республика ва халқаро мусобақаларда эришган натижалари (медал) учун максимал 39,5 балл ажратилган. Балларни аниқлаш умумий ўқувчи-спортчилар сонига нисбатан аниқланади.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш. Малакали мутахассислар қўл остида машғулотларни олиб бориш, тренер, услубчи ва шифокорларни замон талабига жавоб берадиган илм фан тарақиёти ривожланиши билан хамнафас бўлиши замон талабларидан бири ҳисобланади. Шу боис уларнинг ўз муддатида қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларидан ўтиши муҳим аҳамиятга эга. Мактабда иш фаолиятини юритаётган тренерлар ва методистлар қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларидан ўтган ва тегишли сертификатларга эга бўлган тренер ва методистларга максимал 6 балл ажратилган.

Ўқув-услубий таъминот ва нашр ишлари. Услубчи томонидан спорт турлари бўйича спорт машғулотларини ташкиллаштиришда тренерларга илмий мақола, услубий тавсиянома, услубий-кўрсатмалар билан таъминлаш спорт машғулотларини самарали ўтказишда катта хизмат қилади.

Мазкур мактабда услубчи томонидан спорт турлари бўйича илмий мақола, услубий тавсиянома, услубий-қўлланма, ўқув-қўлланмаларни (услубий кенгаш қарори) нашрдан чиқарилганлиги (чоп этилганлиги) учун максимал 12,5 балл ажратилган.

Мазкур мезонлар асосида спорт мактаблари фаолиятини баҳолаш ишларини ташкил қилишда тренер ва методистларнинг малака ва билим даражасига эътибор қаратиш иқтидорли спортчиларни тайёршда зарур ҳисобланади. Айниқса, улар томонидан замонавий илм-фандаги илмий-тадқиқот янгиликларидан ўз фаолияти фойдаланиш бўйича тажрибасининг мавжудлиги ишларнинг самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги тизимидаги спорт таълим муассасаларининг фаолияти самарадорлигини белгилайдиган рейтинг тизими соҳанинг тарақиётини таъминлашда юқори аҳамиятга эгадир. Жисмоний тарбия ва спорт таълим муассасаларининг замон талаблари асосида ўз фаолиятларини янада ривожлантириб бориш ва ўқув-машғулот жараёнларида сифат кўрсаткичларини ошириш учун реал вақт режимида спорт таълим муассасаларининг ишлашини кузатиб бориш ва бошқарув жараёнига тузатишлар киритиш имконини берадиган самарали мониторинг механизмини

ишлаб чиқиш, жисмоний тарбия ва спорт таълим муассасалари фаолиятини бошқаришнинг концептуал моделини яратиш, жисмоний тарбия ва спорт таълим муассасалари ўқитувчи-тренерларининг малакасини баҳолаш кўрсаткичларини ривожлантириш асосий вазифалардан ҳисобланади.

Жисмоний тарбия ва спорт мутахассисларининг малакасини белгиловчи мезонлар спорт фаолиятини ташкил қилишдаги билим, маҳорат ва кўникмасидан келиб чиқадиган кўрсаткичлардир.

Жисмоний тарбия ва спорт таълим муассасаларининг рейтинг мезонларини такомиллаштиришда эса рейтинг баҳолашга оид маълумотлар базасини замонавий талабларга мос ҳолда такомиллаштириб бориш, спортчиларнинг жисмоний тайёргарлик ҳолатларини текшириш, иқтидорли спортчиларни аниқлаш, селекция ишларини амалга ошириш учун таҳлиллар ўтказиш, илм-фан ютуқларидан кенг фойдаланиш, хорижий жисмоний тарбия ва спорт таълим муассасалари билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш, илмий – тадқиқот натижаларини ўз фаолиятларида жорий қилиш натижаларнинг юқори бўлишини таъминлайди.

Диссертациянинг **“Жисмоний тарбия ва спорт таълим муассасаларида рейтинг тизими самарадорлигини ошириш”** деб номланган тўртинчи бобида рейтинг тизими мезонларини таълим муассасалари фаолиятига жорий қилиш, жисмоний тарбия ва спорт соҳаси таълим муассасалари тренерлари ва методистлари фаолиятининг муассаса рейтингини шакллантиришдаги ролини ошириш йўллари ишлаб чиқилган.

Умуман олганда, жисмоний тарбия ва спорт соҳасида халқаро стандартлар асосида олий маълумотли мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини йўлга қўйиш, илмий-педагогик салоҳиятни ошириш, ўқув жараёнининг илмий-тадқиқот фаолияти билан узвий боғлиқлигини кучайтириш, ўқув-услугий ва ахборот таъминотини яхшилаш зарур. Хусусан, жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги ютуқларга асосланган таълим, илм-фан ва амалиёт ўртасидаги интеграция жараёнларини кучайтириш малакали мутахассислар тайёрлашда асосий мезонлар бўлиб хизмат қилади.

Мамлакатимизда спорт таълим муассасаларининг фаолиятини янада ривожлантириш бўйича тизимли ишларни давом эттириш муҳим ҳисобланади. Айниқса, тренерларнинг замон талаблари доирасидаги малака ва тажрибаларининг ортиб бориши бугунги куннинг асосий талабларидан биридир. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 23 сентябрдаги “Спорт мактаблари фаолиятини ҳамда спорт мактаблари тренерлари ва мутахассислари меҳнатини моддий рағбатлантириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида” 211-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан молиялаштириладиган спорт мактаблари тўғрисида”ги Низомнинг “Спорт мактабининг асосий вазифалари ва функциялари” деб номланган бобида “Тажриба алмашиш масалалари бўйича ҳар хил спорт ташкилотлари ва федерациялар билан ҳамкорликни ривожлантириш, ўқувчи-спортчиларнинг спорт маҳоратини, шунингдек спорт турлари бўйича тренерлар ва бошқа

мутахассисларнинг касб малакасини ошириш, мамлакат ёшлари ўртасида жисмоний тарбия ва спортни, соғлом турмуш тарзини оммалаштириш” деб таъкидланади. Шунингдек, мазкур қарорнинг 15 бандида “Ўқувчи-спортчилар, спорт мактабларининг тренерлари ва бошқа мутахассисларининг спорт мусобақалари, чемпионатлар, кубоклар, турнирлар, фестиваллар, конференциялар, симпозиумлар, семинарлар, йиғинлар ва бошқа оммавий жисмоний тарбия тадбирларида, шу жумладан халқаро тадбирларда қатнашиши орқали уларнинг спорт маҳорати ва малакасини ошириш тадбирларини амалга оширади” деб спорт мактабларига муҳим вазифалар юклатилган.

Албатта, спорт таълим муассасаси нечта халқаро ва республика мусобақа ғолибларини тайёрлаганлиги таълим муассасасининг асосий кўрсаткичи ҳисобланади. Бироқ, мазкур кўрсаткичга эришиш йўлида қайси мезонлар муҳим аҳамият касб этишини ўрганиш, аниқлаш улар асосида таълим муассасаси фаолиятини ташкил этиш зарур ҳисобланади.

Тажриба ва тадқиқот натижалари бугунги кунда ҳар бир жараёнга илм-фан қонуниятлари доирасида ёндашиш кераклигини кўрсатмоқда. Жисмоний тарбия ва спорт таълим муассасаларида айнан илмий ёндашув, тренерларнинг илмий дунёқараши, ўз спорт туридаги охирги илмий-тадқиқот ишлари натижаларидан хабардорлиги, етук мутахассисларнинг ижодини ўрганиб бориш ҳамда ўзининг илмий-тадқиқот ишларида иштирок этиши каби омилларга ҳам алоҳида эътибор қаратиш зарур эканлиги аён бўлиб бормоқда. Ушбу жараёнда тренерларнинг фаолияти самарадорлигини ўрганиш керак бўлади. Чунки улар фаолияти натижаси асосида таълим муассасасининг самарадорлигини келиб чиқади. Шунинг учун ҳам биз биринчи навбатда тренерларнинг халқаро ва республика мусобақаларини таҳлил қилиб бориш бўйича малакасини ошириб боришга алоҳида ёндашдик ҳамда уларнинг ушбу кўрсаткич бўйича тажриба ва билимларини баҳолашга йўналтирдик.


Жисмоний тарбия ва спорт таълим муассасалари фаолиятини тизимли равишда ривожлантириш учун уларнинг самарадорлик кўрсаткичларини белгилаш ҳамда кўрсаткичлар бўйича ҳар йили муассасалар фаолиятини ўрганиб бориш муҳим ҳисобланади. Шу мақсадда биз тадқиқот ишимизда Андижон, Фарғона ва Наманган вилоятларидаги Олимпия захиралари коллежини тадқиқотдан олдин йўналишлар бўйича рейтинг кўрсаткичларини таҳлил қилиб чиқдик (2-жадвалга қаранг). Таҳлил жараёнида 7 та мезон бўйича рейтинг кўрсаткичлари ўрганилди.

Биринчи мезон бўйича тадқиқот ишимизда Андижон, Фарғона ва Наманган вилоятларидаги Олимпия захиралари коллежида спорт разрядларининг бажарилишини ўрандик. Унда спорт усталигига номзод, спорт устаси, Республика терма жамоаси таркиби (асосий ва захира)га қабул қилинган спортчилар таҳлил қилинди. Чунки, ҳар бир спорт таълим муассасалари спортчи-ўқувчиларининг касбий малакасини ошириб боришини ҳам ўрганиш орқали муассасалар фаолиятини ривожлантириш мумкин **(2018-2019 ўқув йили бўйича)**.

**Тадқиқотдан олдин республика ва вилоятлар кесимида олимпия
захиралар коллежларини йўналишлар бўйича рейтинг кўрсаткичлари
(балл)**

т/р	Вилоят	Йўналишлар						
		Спорт разрядларининг бажарилиши	Тренерлар салоҳияти	Методистлар салоҳияти	Эришилган спорт натижалар (йил мобайнида)	Республика терма жамоаси таркиби (асосий ва захира)га қабул қилинган спортчилар	Қайта тайёрлаш ва малака ошириш	Ўқув-методик таъминот ва нашр ишлари
1.	Андижон	3,0	2,0	2,0	15,5	1,0	4,0	0
2.	Наманган	2,0	3,5	3,0	8,3	1,0	2,5	0
3.	Фарғона	1,5	1,5	1,0	11,6	1,0	2,5	0

Андижон ОЗК ўқувчи-спортчилари спорт разрядларини 3 баллга, Фарғона ОЗК ўқувчи-спортчилари спорт разрядларини 2 баллга, Наманган ОЗК ўқувчи-спортчилари спорт разрядларини 1,5 баллга бажарган (1-расмга қаранг).




Изоҳ: Спорт разрядларининг бажарилиши 15 балл.

1-расм. 2018-2019 ўқув йилида ОЗК ўқувчи-спортчилари спорт разрядлари бажарилиши баҳоланишини (баллда) ифодаловчи диаграмма.

Бизга маълумки спортчилар тайёргарлигида тренерларни ўрни катта. Улар салоҳияти ҳамда спортчилар тайёргарлигида муҳим аҳамият касб этади. Шу мақсадда Андижон ОЗК, Фарғона ОЗК ва Наманган ОЗК тренерларининг 2018-2019 ўқув йили бўйича салоҳиятини ўрганиб чиқдик.


Андижон ОЗК тренерларининг салоҳияти 2 баллга, Фарғона ОЗК тренерларининг салоҳияти 3,5 баллга, Наманган ОЗК тренерларининг салоҳияти 1,5 баллга баҳоланди (2-расмга қаранг).



Изоҳ: *Тренерлар салоҳияти бўйича максимал балл 14 балл.*
2-расм. 2018-2019 ўқув йили бўйича олимпия захиралари коллежлари ўқув йилида тренерлар салоҳиятини (баллда) ифодаловчи диаграмма.

Спорт таълим муассасаларида ўқув меъёрий ҳужжатлар, машғулотларни ҳамда тренер ва спортчиларнинг ҳамкорликдаги ўқув-тарбия жараёнини ташкил қилишда методистларнинг фаолияти зарур ҳисобланади. Бу уларнинг спортчиларни тайёрлашда асосий касб вакилларидан бири эканлигини кўрсатади. Шу боис Андижон ОЗК, Фарғона ОЗК ва Наманган ОЗК методистларининг 2018-2019 ўқув йили бўйича салоҳиятини ўрганиб чиқдик.

Андижон ОЗК методистларининг салоҳияти 2 баллга, Фарғона ОЗК тренерларининг салоҳияти 3 баллга, Наманган ОЗК тренерларининг салоҳияти 1 баллга баҳоланди (3-расмга қаранг).




Изоҳ: *Методистлар салоҳияти бўйича максимал балл 8 балл.*
3-расм. 2018-2019 ўқув йили бўйича олимпия захиралари коллежлари ўқув йилида методистлар салоҳиятини (баллда) ифодаловчи диаграмма.

Спорт таълим муассасалари йиллик фаолиятини ўрганишда уларнинг эришган натижалари бўйича баҳолаш асосий мезонлардан бири ҳисобланади. Қолган барча мезонлар спорт таълим муассасаларининг эришган натижаларини келтириб чиқаради ҳамда барча мезонлар бўйича амалга оширилган ишларнинг самарадорлиги натижаларни белгилаб беради. Шу мақсадда Андижон ОЗК, Фарғона ОЗК ва Наманган ОЗК эришган спорт натижалари ўрганилди.

Андижон ОЗКда 2018-2019 ўқув йили мобайнида республика мусобақалари, халқаро мусобақалар, Осиё мусобақаларида ҳамда Жаҳон мусобақаларида эришган натижалари 15,5 баҳоланган.

Фарғона ОЗК 2018-2019 ўқув йили мобайнида республика, халқаро, Осиё ҳамда Жаҳон мусобақаларида эришган натижалари 11,6 баҳоланган.

Наманган ОЗК 2018-2019 ўқув йили мобайнида республика, халқаро, Осиё ҳамда Жаҳон мусобақаларида эришган натижалари 8,3 баҳоланган (4-расмга қаранг).



Изоҳ: Ҳар бир мусобақа турида чемпионат ҳамда кубок мусобақаларининг натижалари ҳисобга олинган.

